Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 2-aprel • Payshanba • 39 (29.000) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сиёсий кучлар ўртасида рақобат тобора кучаяётган, ҳар бир партия ўз электорати манфаати, одамларнинг ишончи учун курашаётган, жамиятда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онг юксалиб бораётган бугунги кунда жамоатчилик билан алоқа янада долзарблик касб этмоқда.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР

сиёсий фаолиятда ўта муҳим аҳамиятга эга



Фуқаролик жамиятида жамоатчилик фикри, жамоатчилик муносабати ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Жамоатчилик билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқа ўрнатиш, айниқса, сиёсий партиялар учун жуда зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖЎИ) ҳамкорлигида ташкил этилган ёш сиёсий шарҳловчилар клубининг навбатдаги йиғилиши айнан мана шу масалалар хусусида бўлди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева бугун партиямиз аъзоларининг 34 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этиши, бу жуда катта куч экани, улар орасида иқтидорли, билимли, ташаббускор, етакчилик қобилияти шаклланиб бораётган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Навқирон кучга ўз қобилиятини кенг намоён этишга шароит яратиш, шунинг билан бирга, улар имкониятларидан фойдаланиш партиянинг дастурий ғояларини амалга ошириш, электорат билан мустаҳкам алоқа ўрнатишни таъминлашга хизмат қилади.

ФЖЎИ директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамов эса муҳокама этилаётган мавзунинг долзарблиги, партия маҳаллий кенгашлари ва институтнинг минтақавий ахборот-таҳлил марказлари ҳамкорлигида шундай тадбирларни чекка ҳудудларда ҳам ташкил этиш зарурлиги ҳақида фикр юритди.

Шундан сўнг асосий машғулотлар бошланди. Клуб аъзолари — Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан келган «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, фаоллари, олимлар, соҳа мутахассислари билан бирга мавзунинг турли йўналишлари борасида баҳс юритдилар. Жамоатчилик билан алоқалар имиж яратиш воситаси сифатида, Ўзбекистон сиёсий партиялари фаолиятида жамоатчилик билан алоқалар технологияларидан, хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари фаолиятида жамоатчилик билан алоқалар усулларидан фойдаланиш тажрибаси, бу борада эришилган ютуқлар, баъзи бир камчиликлар уларни бартараф этиш юзасидан маърузалар тингланди, амалий машғулотлар, савол-жаволлар бўлиб ўтди.

— Партия электоратдан узилиб қолса, нуфузини йўқотиши мумкин, — дейди ЎзХДП Оқолтин туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Дилфуза Холбекова. — Жамоатчилик билан алоқалар институти сиёсий кучни «оёғи ердан узилиб» қолишдан асрайди. Қолаверса, одамлар билан мулоқот қилганда партиянинг стратегик мақсадлари, ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишга асос бўладиган кўп ғояларга эга бўлиш мумкин.

Электорат манфаатидан келиб чиқиб фаолият кўрсатган партия эса сиёсий майдонда ҳар доим ғолиб бўлади. Бугун ушбу соҳада янги, амалиётда самара берадиган, бизнинг шароитимизда ўзини оқлайдиган усуллар ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Бу эса фаолиятимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, деб ўйлайман.

2-бет

Сиртқи қабул соатлари

Турли вазирликлар, қўмиталар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларидан газетхонлар ўзларини қизиқтирган саволларга бевосита жавоб олишларига кўмаклашиш мақсадида таҳририятимиз **«Сиртқи қабул соатлари»**ни ташкил қилганидан хабарингиз бор.

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари» **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи Ғофиржон УСМОНОВ** билан ўтказилишини газетамизда эълон қилган эдик. Фуқаролардан чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиб-қоидалари, хорижда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида таҳририятимизга кўплаб саволлар тушди. Телефон қўнғироқлари бўлди. Фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бугун ушбу саволларга берилган жавоблар билан танишишингиз мумкин.

3-бет

❖ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОЛИС ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

ўзлари истиқомат қилаётган маконни обод, файзли, тароватли масканга айлантириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда

Мирзадала қишлоғи Жиззах вилоятининг қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлган Мирзачўл туманидаги ўнлаб қишлоқларнинг бири. У вилоят марказидан қарийб 100 чақирим узоқда, магистрал йўллардан анча четда жойлашган. Қишлоқдаги 911 оилада 3996 нафар аҳоли истиқомат қилади. Болалар шу ердаги барча қулайликларга ва етарлича моддий-техника базасига эга агроиқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи, 2 та мактаб, 3 та мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия олишаяпти.

— Қишлоғимиз шаҳардан анча олисда жойлашганига қарамасдан хонадонларимиз табиий газ билан тўлиқ таъминланган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Исабек Примқулов. — Тоза ичимлик суви, электр қуввати борасида ҳам муаммо йўқ. Мавжуд 23 та кўчаларимизнинг ҳаммаси асфальтланган, текис ва равон. Ҳудуддаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш, аҳолига табиий, маданий, маиший ва савдо хизматлари кўрсатишни бугунги кун талабларига яраша ташкил этиш борасида бизга 54 нафар фермер ва 18 нафар тадбиркоримиз яқиндан ёрдам бермоқда. Натижада, кундалик турмушда учрайдиган катта-кичик муаммоларимизнинг асосий қисмини ўз кучимиз билан ҳал қилишга эришаяпмиз.

Тадбиркор Қосимжон Қаршиевни қишлоқда ҳамма танийди. Яқинда у шахсий даромадлари ҳисобидан аҳоли учун замонавий гузар қуриб берди. Айни пайтда бу ерда бозорча, дўконлар, дорихона, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, суратхона, сартарошхона фаолият кўрсатмоқда.

«Лазиз», «Эрбулоқ», «Ислом Сулаймон» фермер хўжаликлари раҳбарлари Бозорбой Умаров, Али Облоқулов, Раҳмон Исломовлар ҳам қишлоқдошлари оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек савобли ишларга астойдил бел боғлаганлар. Уларнинг саховатлари туфайли қишлоқдаги 16 нафар ногирон, 30 нафар боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатилмоқда. Қишлоқ марказидаги Болалар спорт мажмуининг барпо этилишида ҳам уларнинг хизматлари катта.

2-бет

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Альфредо Мантика раҳбарлигидаги делегация 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказди.

Учрашувларда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мулоқотлар чоғида мазкур йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан таништирилди.

Италия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи рангбаранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА)

✓ ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

• МУАММО ЕЧИМИ ТОПИЛДИ

Ўзаро мулоқотда таъминотчи ташкилотлар ходимлари, истеъмолчилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишди. Мунозаралар анча давом этди... Таҳлиллар шуни кўрсатдики, газ ва электр ҳаққини тўламай келаётган оилаларнинг аксарияти тўлов қобилиятига эга.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Коинот ва биз

• ХАЛҚАРО КОСМИК СТАНЦИЯДА

ТАЖРИБАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ХКС фаолияти юзасидан тузилган дастлабки режаларга кўра, ушбу станцияни 2010 йилдан тўхтатиш белгиланган эди. Аммо халқаро шериклар унинг фаолиятини 2020 йилгача узайтириш ҳақида ўзаро келишиб олдилар.



4-бет

✓ ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

МУАММО ЕЧИМИ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига Пайариқ туманидаги «Купаки» ва «Кичик» қишлоқларида истиқомат қилаётган фуқаролар мурожаат этишди. Унда 2009 йилнинг январь ойида аҳолининг газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаганлиги ҳақида шикоят қилинган эди.

Мазкур мурожаат вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Бўрибой Бўронов, халқ депутатлари Пайариқ туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари Эрдош Аҳадов, туман газлаштириш идораси раҳбари Олим Аббазов, электр тармоқлари корхонаси раҳбари Анорқул Жўраев, «Кўкдала» ҚФЙ раиси, ЎзХДП аъзоси Шохдор Фармонов ва туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида жойида ўрганиб чиқилди.

— Бугунги кунда туман бўйича аҳолининг қарзи 1 миллиард 35 миллион сўмдан ошиб кетган, — дейди О.Аббазов. — Биргина «Купаки» қишлоғидаги мавжуд 166 та абонент истеъмол қилинган табиий газ учун 13 миллион 666 минг 928 сўм маблағни тўламаган. «Кичик» қишлоғидаги 125 та оила туман газлаштириш идорасидан 10 миллион 110 минг 184 сўм қарздор. Қарзни ундириш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилганига қарамасдан аҳвол ўзгармаяпти.

— «Купаки», «Чуқур» қишлоқларини электр энергияси билан таъминловчи магистрал тармоққа электр ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган, — дейди А.Жўраев. — Шу сабабли, қишки мавсумда фойдаланилаётган электр энергияси учун ҳар бир оила ойига ўртача 15 минг сўмдан тўлади. Ўтказилган мониторинг жараёнида айрим хонадонларда қиш ойларида бундан ортиқ электр энергияси сарфланаётгани маълум бўлди. Тушум ўз вақтида амалга оширилса, электр тармоқларини таъмирлаш, симёғочларни алмаштириш бўйича режаларни амалга ошириш мумкин.

— «Кўкдала» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Муҳаммади», «Хоса», «Бош» «Чурош» маҳаллалари бор, — дейди Ш.Фармонов. — Ҳақиқатан ҳам «Купаки», «Чуқур» қишлоқлари аҳолиси томонидан табиий газ, электр энергияси учун тўлов вақтида бажарилмаётган ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди. Лекин, ҳамма ҳам бирдек эмас. Айрим фуқаролар ойма-ой газ ва электр энергияси учун пул тўлаб келмоқда. Йиллаб бир сўм ҳам тўламаган ҳамқишлоқлар касрига қолишмоқда.

— Ёшим 82 да. 6 фарзандим, 20 нафар неварам, 5 нафар чеварам бор, — дейди Қудрат Олтибоев. — Кампирим билан пенсия оламиз. Ҳар ойда табиий газ, электр энергияси пулини тўлаб бораяпмиз. Нима учун биз бошқаларнинг қилган иши учун азият чекишимиз керак?

Масалан, «Хоса» маҳалласи котиби Киржигит Бобоназаров томонидан тақдим этилган рўйхатда иккала қишлоқ аҳолисининг табиий газ тўловлари январь-февраль ойларида 6-8 фоизни ташкил этгани кўрсатилган.

Ўзаро мулоқотда таъминотчи ташкилотлар ходимлари, истеъмолчилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишди. Мунозаралар анча давом этди... Таҳлиллар шуни кўрсатдики, газ ва электр ҳаққини тўламай келаётган оилаларнинг аксарияти тўлов қобилиятига эга.

ЎзХДП фаолларининг таклифига кўра, туман газлаштириш идораси, электр тармоқлари корхонаси ходимлари «Купаки», «Чуқур» қишлоқларини табиий газ, электр энергияси билан мунтазам таъминлаш масъулиятини ўз зиммаларига олишди. Партия фаоли, Ш.Фармонов эса ҳар иккала қишлоқ аҳолисининг коммунал тўловлари вақтида бажарилишини назорат қиладиган бўлди. Шундай келишув асосида қишлоқ аҳлини қийнаб келаётган муаммо ҳал этиладиган бўлди.

— Қишлоғимизда ЎзХДП аъзолари, хайрихоҳлар кўп, — дейди 9-сон «Навбаҳор» номли мактабгача таълим муассаси мудири Дилором Абдуллаева. — Партиянинг дастурий ғоялари барчага манзур. Муассасамиз ходимлари ҳам партия тарафдорларидир. ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига қилинган мурожаат бугун самара бергани одамларимизни мамнун қилди.

Бундай илиқ фикрларни Бувра Очилова, Асомиддин Очилов, Шукур Худоёров, Амир Бердиёров сингари ўнлаб суҳбатдошларимиз ҳам изҳор этишди.

— 2008 йил давомида ЎзХДП вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 603 та мурожаат тушди, — дейди Б.Буронов. — Шунинг 506 таси ижобий ҳал этилган. Жумладан, Ургут туманининг «Ишонч» маҳалласида яшовчи София Бердиева пенсияга чиқишда муаммоларга дуч келган. Партия кенгаши ходимларининг аралашуви билан масала ижобий ҳал бўлди. Вақтинча ишсиз оқдарёлик Турдибек Абдимуродовнинг ишга жойлашишига кўмак берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, одамлар ишончини янада кенгроқ қозониш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим.

Абдували ХУДОЁРОВ.
Сурат муаллифи Ҳусан ТЎҒИЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МУРОДУЛЛО САИДОВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради. Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган тажрибали раҳбар, таниқли пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Саидов 74 ёшида вафот этди.

Муродулло Саидов 1935 йилда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида туғилди. 1957 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битириб, меҳнат фаолиятини Бешкент туманида хўжалик агрономи сифатида бошлади. Сўнг бир неча йил давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги соҳасида турли лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Айниқса, мустақиллик йилларида у ўзини деҳқончилик илмининг ҳақиқий билимдони ва моҳир ташкилотчи сифатида намоён этди. Унинг раҳбарлигида Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги ўз вақтида пахтачилик, ғаллачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш борасида республикамиздаги илғор ва намунали тажриба мактабларидан бирига айланган эди.

Муродулло Саидов сермазмун умр йўлини босиб ўтди. У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, бутун куч-ғайрати, билими ва бой тажрибасини мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, ушбу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, қишлоқ аҳлининг фаровонлигини юксалтириш, ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдек эзгу ишларга бағишлади.

Муродулло Саидовнинг эл-юртимиз олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони, «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган эди. 2002 йили давлатимизнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони билан тақдирланди.

Бутун ҳаётини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган меҳнаткаш ва камтарин инсон, моҳир хўжалик раҳбари, ёшларнинг меҳрибон устози Муродулло Саидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, С.ИСМОИЛОВ, Э.БОҚИБОЕВ

✓ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ НУФУЗИ

БПТ фаолиятига боғлиқ

Қорақалпоғистон Республикасида 603 та ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Уларда 27128 нафар партия аъзоси бирлашган. Айни кунларда қуйи бўғинда ҳисобот-сайлов йиғилишлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Республика партия кенгашида бўлиб ўтган семинарда ушбу жараёнда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, учраётган камчиликлар, йўл қўйилаётган хатолар, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг иштирокчилар Нукус тумани халқ таълими тизими ходимларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашдилар. Унда соҳада меҳнат қилаётган ХДП аъзоларидан ташқари тумандаги барча БПТ раислари, хайрихоҳлар ҳам иштирок этди.

БПТ раиси Қ.Утепов ташкилотнинг 2004-2009 йиллардаги фаолиятини атрофлича таҳлил қилди. Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва амалга оширишда партия, айниқса, БПТ ижроқўми аъзоларининг ўрни ҳақида тўхталиб, эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар, уларнинг сабаблари, бой берилган имкониятлар ҳақида очиқ фикр юритди. Кўпчилик сафдошларнинг тарғибот-ташвиқот ишларида суст қатнашаётганлиги танқид қилинди. Шунингдек, ўтган сайловда туман партия кенгаши томонидан халқ депутутлари туман Кенгашига барча сайлов округидан депутатликка номзод кўрсатиш имконияти бўла туриб, қонунда кафолатланган бу ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланилмагани, сиёсий ўқувлар учун услубий материаллар, қўлланмаларнинг БПТга ўз вақтида етказилмаётгани айтиб ўтилди.

Музокараларда қатнашганлар ҳисобот даврида ташкилотнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилиш жараёнидаги иштироки, ролини ошириш борасида қилинган ишларни эътироф этдилар. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда фаоллар иштирокини кучайтириш ҳамда бошқа вазифалар тўғрисида мулоҳаза, таклифлар билдирдилар.

Ўразгул ТАЙРОВА, 6-мактаб директори:

— Арзимас бўлиб кўринса-да, кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган масалаларга эътиборни кучайтириш зарур. Масалан, айрим ота-оналар мажлисларга чақирилса-да мактабга келмайди. Фарзандининг таълим олиши, тарбияси билан қизиқмайди, камчиликларини педагоглар билан бирга муҳокама қилишни истамайди. Натижада фарзандининг турли нотўғри йўлларга кириб кетиш эҳтимоли кучаяди. БПТ мана шундай масалаларни ҳам дадил кўтариши керак, деб ўйлайман.

Бегзада ЖАҚСИМУРАТОВА, 31-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари:

— Ўзбекистон ХДП Дастурида белгиланган кўпгина вазифалар амалга ошди. Масалан халқ таълими соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллашди, мактаблар қурилмоқда, замонавий жиҳозланмоқда. Бу борада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Булар тўғрисида тарғиботчиларимиз кенг жамоатчиликка изчил тушунтириб бериши зарур...

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бошланғич ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди. БПТ раиси, раис ўринбосари, ижроқўм аъзолари сайланди, амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар режаси тасдиқланди, туман партия кенгашига вакил юбориш, туман партия ташкилоти конференциясига делегат сайлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Сафга янги қўшилганларга партия аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Назира Матёқубова, Нукус туман кенгаши раиси Қонисбой Аллаяровлар бошланғич партия ташкилотлари олдидаги асосий вазифалар тўғрисида батафсил тўхталдилар...

Бугунги кунгача Қорақалпоғистонда 152 та бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда 5478 нафар ХДП аъзоси, 1118 нафар партиясизлар қатнашди. Таъкидлаш лозимки, ҳисобот-сайловларда партия кенгашлари сайланма органлари аъзолари, раҳбарлари, ХДПдан сайланган Жўқорғи Кенгес ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этмоқдалар. Уларда бошланғич ташкилотларнинг ролини, ХДП аъзоларининг масъулиятини ошириш, партия электорати манфаатларини рўёбга чиқаришда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш масалалари юзасидан келгуси режалар белгилаб олинмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИС ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

ўзлари истиқомат қилаётган маконни обод, файзли, тароватли масканга айлантириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда

— Қишлоқ кайвонилари Анора Хўжамбердиева, Ойша Жўлдосбекова, Илҳом Холмўминов, Солия Рўзиева сингари обрў-эътиборли отахон ва онахонларимиз ҳақида ҳам ҳар қанча фахрланиб гапирса арзийди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний, маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Барфи Омонова. — Улар барча катта-кичик тадбирлар, тўй ҳамда маъракаларда бош-қош.

Бугун мўъжазгина қишлоқда 14 миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидай аҳил ва иноқ истиқомат қилишади. Улар бир-бирлари билан оғаини, қуда-анда бўлиб кетишган. Қозоқнинг тўйи ўзбексиз, тожикнинг маъракаси татарсиз ўтмайди, татимайди. Бирининг ютуғидан ҳаммаси қувонса, ғамига бутун қишлоқ шерик бўлгиси келади.

— Қишлоғимизнинг оҳанграбоси бор, ўргилай, — дейди тўқсонинчи баҳорини қаршилаётган Гулзода момо. — У кўз ўнгимда кенгайиб, чирой очаяпти. Яқин-яқинларгача у тор, ўйдим-чуқур кўчалар, пастқам, лойсувоқ уйлардан иборат кўримсиз бир қишлоқ эди. Бугун унинг равон ва чароғон кўчалари, гулзору хиёбонлари, турна қатор қурилган уй-жойлари кўзни қувонтиради. Одамларини айтмайсизми? Бирам меҳрибон, оқибатли. Очиғи, уч-тўрт кунга бирон жойга кетсам, қадрдон қишлоғимни, унинг беғубор ҳавосини, дилкаш одамларини соғиниб қоламан.

Ўзи яшаётган маконни обод, файзли, тароватли кўришни ким ҳам истамайди, дейсиз? Биз қишлоқдан қайтар эканмиз, ўзлари истиқомат қилаётган масканни фаровон масканга айлантиришдек эзгу ниятни дилларига туккан ҳолда умригузаронлик қилаётган олис қишлоқ одамлари — мирзадалалик юртдошларимизга омадлар тиладик.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР

сиёсий фаолиятда ўта муҳим аҳамиятга эга

— Имиж яратиш технологиялари ҳақидаги машғулот менга жуда маъқул бўлди, — дейди ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши ёшлар қаноти фаоли Фарҳод Раҳмонов. — Сиёсий кучнинг ўзига хос қиёфасини яратиш, етакчи имижини шакллантириш йўллари ҳақида билимларга эга бўлиш ёш фаоллар учун жуда зарур, албатта. Мен депутат бўлишни орзу қиламан. Етакчи мутахассислар билан фикр алмашувлар чоғида амин бўлдимки, бунинг учун ҳозирдан жамоатчилик олдида ўзига хос ўрнимга эга бўлишим керак. Олайлик, бир неча номзод сайловчи ҳузурига борса, одамлар албатта ўзлари билган, таниган, ишонган кишига овоз беради. Ишончга эса аввалдан, узоқ вақт давомида қилинган меҳнат эвазига эришиш мумкин.

— Энг муҳими, олган билимларимизни амалий машғулотлар орқали мустаҳкамладик, — дейди Собир Раҳимов туман партия кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Зарликов. — Кичик гуруҳларга бирлашиб, сайлов кампанияси даврида жамоатчилик билан алоқалар, сиёсий куч қиёфасини яратиш усуллари ва услубларини ўзимиз ишлаб чиқдик. Сайлов жараёнида одамларга катта ваъдалар бериб, қўлдан келмайдиган ишлар ҳақида гапириб давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида кўпроқ ўринга эга бўлиш ҳоллари дунё давлатлари тажрибасида тез-тез учрайди. Бунда сиёсий партия тактик жиҳатдан ғалабага эришиши мумкин, аммо стратегик нуқтаи назардан ютқазади. Кейинчалик ваъдаларни бажара олмаслик одамларнинг ҳафсаласини пир қилади. Амалий машғулот жараёнида бу жиҳатларнинг барчасини ҳисобга олдик.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Газетада босилмади, аммо...

ТОВАРЛАР ҚАЙТАРИЛАДИ

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи Латиф Хаятовнинг вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан савдо дўкони текширилиб, моллари асоссиз олиб қўйилгани ҳақида таҳририятга ёзган шикоят хати Давлат божхона қўмитасига юборилган эди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Фуқаро Л.Хаятовга нисбатан Бухоро вилояти божхона бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун Бухоро вилояти прокуратураси орқали Бухоро шаҳар ИИБга юборилган.

Бухоро шаҳар ИИБ ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишининг фуқаро Л.Хаятовга нисбатан қисми (жиноят таркиби бўлмагани сабабли) ҳаракатдан тугатилган.

Юқоридагиларга асосланиб, Давлат божхона қўмитаси томонидан Бухоро вилояти божхона бошқармасига хат юборилиб, Л.Хаятовдан далилий ашё сифатида олиб қўйилган товарларни белгиланган тартибда қайтариб бериш ҳақида кўрсатма берилди. Ариза муаллифига юқоридагилар кўрсатилган ҳолда жавоб хати юборилганлигини маълум қиламиз.

Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Р.МАНСУРОВ»

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ:

ХОРИЖДА ИШЛАШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

Сиртқи қабул соатлари

Кодиржон Шарипов, Уйчи тумани, Қизилровот қишлоғи:

— Хорижда ишламоқчи бўлган фуқаро қаерга мурожаат қилиши керак? Қайси ташкилотлар чет элда ишлашни ташкил этиш ваколатига эга?

(Шундай савол билан Наманган шаҳар, Нуробод маҳалласида истиқомат қилувчи Маматвали Турғунов, Пастдарғом туманидан Тўлқин Пардаев, Бахмал тумани, «Нурли қуёш» фуқаролар йиғинида яшовчи Абдували Тошпўлатовлар ҳам мурожаат қилган).

— Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш ҳукумат қарорларига мувофиқ фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига ҳамда Тошкент, Бухоро, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларидаги Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларга юклатилган.

Юқоридаги саволларга батафсил жавоб олиш учун фуқаролар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига (мўлжал: Тошкент автомобиль ва йўллар институти яқинида) ёки Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларга мурожаат қилишлари мумкин.

Одил ШУКУРУЛЛАЕВ, Пскент тумани:

— Олий маълумотли кишилар четга чиқиш учун ҳужжат тайёрлаганда маълумотини яширишади, деган гапни эшитганман. Улар хорижга бориб ишлашлари мумкин эмасми?

— Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенгдирлар. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ишчанлик қобилиятларига ва меҳнат натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларга қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади. Олий маълумотга эга фуқаролар ҳам бошқалар қатори умумий ёки хусусий меҳнат шартномалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Бозорбой Турдалиев, Гулистон тумани, Уч қаҳрамон фермер хўжаликлари уюшмаси:

— Ҳозир Тошкентда айрим туристик фирмалар ёшларни дунёнинг турли мамлакатларига ишга жўнатишаяпти, деб эшитамиз. Улар «биз билан аввало турист сифатида шартнома тузасиз, ишга жойлаштиришга доир масалалар эса тегишли мамлакатга борилгандан кейин ҳал қилинади», дейишади. Шунга ишонса бўладими?

— Йўқ, ишонмаслик керак. Чунки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идораларо шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларга қўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, фуқароларимиз хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар орқали чиқишга ҳақлидирлар.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам фуқароларнинг чет элларда меҳнат фаолиятларини амалга ошириш учун чиқишларини таъминлаш ваколати бирон-бир юридик ёки жисмоний шахсларга (шу жумладан, туристик фирмаларга) берилган эмас.

Зокир Жумаев, Олтинсой тумани:

— Баъзилар Россия ёки Қозоғистонга ишлашга кетишаяпти. Лицензия ва тегишли ҳужжатлар бўлмаса-да, улар махсус ёлланган автобусларда йўлга чиқишмоқда. Шу тўғрими?

— Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда жойлардаги Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар қўмагида амалга оширилади. Шунингдек, фуқароларимиз хусусий меҳнат контрактлари бўйича ҳам фақат Агентлик томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича четга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу билан фуқароларимизнинг хорижий давлатдаги ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси таъминланади. Бошқа ҳар қандай йўллар билан чет элга ишлаш учун чиқиш тақиқланади.

Яндаш Ражабов, Ғиждувон тумани, Юсуфбеккент қишлоғи:

— Ўғлим икки йил Жанубий Кореяда шартнома асосида ишлаб келди. Ана шу даврда унинг жамғариб бориладиган пенсияси қандай расмийлаштирилади?

— Шартнома асосида чет элларда меҳнат фаолиятларини амалга ошириб қайтган фуқароларимизнинг жамғариб бориладиган пенсияси билан бирга уларнинг меҳнат стажлари ҳам тасдиқлаб берилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, чет элларда ишлаган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган. Чет элда шартнома асосида ишлаб келган фуқароларнинг меҳнат стажи уларнинг чет элдаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига иш ҳақидан 2,5% миқдоридаги мажбурий суғурта бадали (жамғариб бориладиган пенсия) тўланганлиги тўғрисидаги банк кўчирмаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига тақдим этилгандан сўнг Агентлик томонидан тасдиқлаб берилади.

Абдусайид Худояров, Булунғур тумани:

— Хорижий давлатларга ишга бориш учун тўлов пули олинади, деб эшитганмиз. Шу ростми ва унинг миқдори қанча?

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки Минтақавий бюролар орқали чет элларга меҳнат қилиш учун чиқадиган фуқаролар хорижий давлатга кириш учун виза, йўл харажатлари, шунингдек, идоранинг хизматлар кўрсатиш учун белгиланган харажатларни тўлайди, холос.

Сатторкул Абдуллаев, Зомин тумани:

— Чет элларда ишлаб келишга қарор қилган фуқароларнинг ёши, оилавий аҳволи қатъий белгиланганми?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ ўн олти ёшдан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Шунингдек, амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар. Аммо 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлигига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ҳамда ноқулай ишларга, шунингдек, бу тоифа шахсларни тунги иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Ушбу қонун мезонлари асосида фуқароларимизни ўз ихтиёрларига кўра чет элларда ишлашларига 18 ёшдан рухсат этилиши белгилаб қўйилган. Масалан, Жанубий Корея Республикасида ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун икки давлат вазирликлари ўртасида имзоланган Битимга мувофиқ, а) ёши 18 дан 39 ёшгача, б) илгари судланмаган ёки жиноий жавобгарликка тортилмаган, с) илгари Кореядан мажбурий равишда чиқариб юборилмаган, д) Ўзбекистон Республикаси томонидан чет элга чиқиш чегараланмаган бўлишлари лозим.

Турғунбой Умиров, Самарқанд шаҳар, Суғдиёна маскани, 42-уй, 8-хонадон:

— Россияга ишга шартнома асосида борсам, менинг ҳуқуқларим, хавфсизлигим, соғлигим қандай ҳимояланади?

— Агар Сиз Россия Федерациясига ёки бошқа бирон-бир хорижий давлатга меҳнат шартномаси асосида чиқиб ишламоқчи бўлсангиз, меҳнатга оид ҳуқуқларингиз, хавфсизлигингиз, соғлиғингизни ҳимоялаш, шунингдек, таклиф қилинаётган ишнинг шарт-шароитлари, дам олиш вақтлари, ойлик иш ҳақи, қўшимча тўловлар, турар-жой таъминоти, ҳаётингизни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ҳамда иш берувчининг мажбуриятлари Сизни ишга таклиф қилаётган иш берувчи билан тузиладиган меҳнат шартномасида батафсил кўрсатилган бўлиши шарт.

Орифжон Ўринов, Сариосиё тумани:

— Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Россия ва Жанубий Кореядан ташқари Чехия, Словакия, Германия, Польша, Болгария каби Европа давлатлари билан ҳам шартномалар тузган, деб эшитдим. Ушбу давлатларга бориб ишлаш тартиб-қоидалари қанақа?

(Шундай савол билан нукуслик Мақсад Серейбетов ҳам мурожаат қилган).

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларимиз Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идораларо шартномалар ва битимлар асосида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятларини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган Меморандум асосида фуқароларимизнинг Корея Республикасида меҳнат фаолияти олиб боришларига имконият яратилган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Европа мамлакатларида фуқароларимизни ишга жойлаштириш масаласи бирмунча мушкулроқ. Чунки ушбу мамлакатлар ишчи кучини кўпроқ Европа Иттифоқига аъзо давлатлар фуқаролари ҳисобидан қоплайди. Шунга қарамай меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Италия, Германия, Чехия ва Словакия давлатлари билан идораларо даражада ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, Агентлигимиз томонидан Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар давлатлари ҳукуматлари билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Намозбой Пардаев, Сирдарё тумани:

— Ўғлим Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига ишлаш учун кетган эди. Ишга жўнатганлар ҳам, ишлатганлар ҳам инсофли одамлар эмас экан. Унинг ҳужжатларини олиб қўйиб, 1,5 йил мобайнида турли қурилиш объектларида ишлатишган, кейин ҳақини тўламай уйга жўнатишган. Ўғлимни ноқонуний ишлатганларга жазо беришни, ишлаган даври учун ҳақ тўлашни сўраб қаерга мурожаат қилиш мумкин?

— Сизнинг айтишингиз бўйича ўғлингиз ноқонуний равишда Қозоғистонга ишлаш учун борган. Минг афсуски, аксарият ҳолларда фуқароларимиз МДҲ давлатларига, жумладан, Қозоғистонга ўзбошимчалик билан ишлагани кетиб, иш берувчи билан меҳнат муносабатларини қонуний расмийлаштирмаганликлари оқибатида аянчли ҳолларга тушиб қолмоқдалар. Шу сабабли ушбу ҳолат бўйича ўзингиз яшаб турган жойдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишингиз керак.

Шоди Маҳматов, Термиз тумани:

— Бугунги кунда хорижда қайси мутахассисликларга эҳтиёж юқори?

(Шундай савол билан деновлик Музаффар Ҳусанов ва термизлик Шуҳрат Алимовлар ҳам мурожаат қилган).

— Россия Федерациясининг талаб ва эҳтиёжлари одатда қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларига кўпроқ. Шунингдек, Сизнинг яшаш жойингизга яқин бўлган Қарши шаҳар, Хонобод кўчаси, 46-уйда жойлашган Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюрога мурожаат қилишингиз ва бу борада барча саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Улуғбек Тошев, Самарқанд шаҳри, Баҳодирхон кўчаси, 45-уй, 5-хонадон:

— Мен, хорижий давлатларга, жумладан, Жанубий Кореяга меҳнат шартномаси асосида ишга борсам, иш ҳақимнинг неча фоизини давлатга тўлашим керак бўлади?

— Меҳнат шартномаси асосида Корея Республикасига ишга юборилган фуқароларимизнинг иш ҳақидан давлатга ҳеч қандай фоиз ушлаб қолинмайди, ойлик иш ҳақидан Корея Республикаси қонунларида белгиланган солиқ ставкалари бундан мустасно.

Ҳасан Насриддинов, Денов шаҳри, Ал-Бухорий кўчаси, 20-уй:

— Ёшим 45 да. Рассом-дизайнерман. Кошинкорликни ҳам уддалайман. Жанубий Кореяда ишлашни хоҳлардим.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида Эркин ёллаш тизими бўйича имзоланган Меморандумга асосан Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқаролар 18 дан 39 ёшгача бўлишлари лозим. Сизнинг ёшингиз эса Корея Республикаси иш берувчиларининг юқоридаги талабига тўғри келмайди.

Кумрихон Хўжаева, ЎзХДП Избоскан тумани кенгаши раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси» ижросини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот олиб боришда Агентликнинг партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?

— Юқоридаги сиз таъкидлаган ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Агентлигимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилиб, тезкор ва таъсирчан чора-тадбирлар белгилаб олинган. Жумладан, республикамиз фуқаролари диққатига чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маслаҳатлар ва маълумотлар олиш, айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш борасидаги таклифларига аниқлик киритиш, чет элларда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Акмал Акрамов, Самарқанд шаҳар, Зафаробод кўчаси, 32-уй:

— Ёшим 20 да. «В, С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномам бор. Россияга бориб шу ҳужжат билан ҳайдовчи бўлиб ишласам бўладими?

(Шундай савол билан қамашилик Ҳайрулла Ибодов ҳам мурожаат қилган)

— Ҳа. Бунинг учун Сиз Агентлик ёки Минтақавий бюролар орқали белгиланган тартибда Россия Федерацияси ёки бошқа давлатнинг «В, С» тоифадаги ҳайдовчилик касбига эҳтиёжи бўлган иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишласангиз бўлади.

Маъруфжон Ғозиев, Шаҳрихон тумани:

— Чет элларга ишга борганларнинг меҳнат ҳуқуқлари ўша давлат фуқаролари билан тенг бўладими? Ёки фарқи борми?

— Фуқароларимизнинг чет эллардаги меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари қоидалари билан, шунингдек, фуқаро ишга борган давлатнинг қонун ҳужжатлари билан кафолатланади. Демак, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет элларга ишга борган фуқароларимиз ўша давлат фуқаролари билан бир хил меҳнат ҳуқуқларига эга бўладилар.

Дониёр Нурметов, Кўшкўпир тумани, Ўртаёп қишлоғи:

— Маълумотим олий. Жанубий Корея Республикасида ишлаш истагим бор. Бунинг учун нима қилишим керак?

— Агарда Сиз Корея Республикасида ишлаш истагида бўлсангиз Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида 2008 йил июнь ойида имзоланган Меморандумга асосан корейс тилидан ўтказиладиган тест синовларида қатнашишингиз талаб этилади.

Корейс тилидан тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқароларни номзод сифатида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги рўйхатга олишни амалга оширади. Номзодларни рўйхатга олиш вақти, жойи ва тартиби тўғрисида бир ой аввал республиканинг марказий газеталари ва вилоятлардаги маҳаллий газеталарда эълон берилади. Бундан ташқари, юқоридаги масалада Сиз Агентликнинг веб-сайти (www.migration.uz) орқали доимий маълумот олишингиз мумкин.

Умирзок Нагметуллаев, Чимбой тумани, Ерниязов кўчаси, 3-уй:

— 2002 йилдан буён Жанубий Кореяга ишлаш учун кетолмаяпман. Самарқанд шаҳрига 2008 йил 25 майда тест топширишга бордим. Тестдан ўтолмадим. 2008 йил 21 декабрда яна корейс тилидан тест топширдим. Тест вақтида ўқитувчи тест бланкаларимизни еттинчи гуруҳ бўйича олиб йиртиб ташлади. Бланкаларни нима учун йиртиб ташлади, сабабини тушунмадик.

— Сиз Эркин ёллаш тизими бўйича тест синовлари ўтказиш жараёнида юқорида рўй берган ҳолатлар юзасидан Агентликнинг масъул ходимига мурожаат қилишингиз лозим эди. Мурожаатингиз бўйича ушбу ҳолат жойида аниқланиб, Агентлик ходимлари томонидан унинг олди олинган ва тегишли чоралар кўрилган бўлар эди.

Ботирбой Бойназаров, Нукус туманидан:

— 2007 йилнинг 15 октябрида тестдан ҳам, тиббий кўрикдан ҳам ўтдим. Визадан дарак йўқ.

(Шундай савол билан Нукус шаҳридан Рамберген Утегенов, Ахмед Утегенов, Ойгул Тожимуратова, Муратбой Салменовлар ҳам мурожаат қилган).

— Сизлар ҳақиқатдан ҳам корейс тилидан ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтгансиз. Сизларнинг шахсий маълумотларингиз Агентлик томонидан Корея Меҳнат вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг электрон базасига киритиш учун тақдим этилган. Ушбу маълумотлар ўз навбатида Корея иш берувчилари ихтиёрига ҳавола этилади. Иш берувчи муайян номзодни танлагач, иш берувчи ва ишчи ўртасидаги меҳнат шартномаси ва мамлакатга кириш учун виза тасдиқномаси Агентликка юборилади. Ўз навбатида ишчини меҳнат шартномаси шартлари билан батафсил таништириш мақсадида фуқаронинг яшаш манзилига чақириқ қоғози (телеграмма) юборилади ва у меҳнат шартномаси шартлари билан тўла таништирилгач, жўнаб кетиш олди ҳужжатлари рамийлаштирилади ҳамда ўрнатилган тартибда Корея Республикасига юборилади.

Байрамбай Сейтназаров, Чимбой тумани, Сметуллаев кўчаси, 3-уй:

— 2007 йилда Жанубий Кореяга бориш учун тест топширдим. Тестдан ўтдим. Агентлик телеграмма юборди. Борсам ўзларимиз чақирамиз, кетаверинг, деб қайтаришди. 2008 йил 24 октябрда Чимбой тумани почтасига иккинчи телеграмма келди. Агентликка борсам яна қайтариб юборишди. Наҳотки, бир эмас, икки марта хато қилишса?..

— Сиз ҳақиқатдан ҳам Кореянинг Эркин ёллаш тизими бўйича бўлиб ўтган корейс тили тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг маълумотлар базасига киритилгансиз. Бир қатор номзодлар, шу жумладан, Сизнинг номингизга корей иш берувчиси томонидан меҳнат шартномасини берилишини тезлаштириш мақсадида шахсий маълумотларингиз ҳамда фуқаролик паспортингиз нусхасини электрон дастур орқали Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматига юбориш мақсадида паспортингиз билан келишингизни сўраб, 2008 йил 26 октябрь куни телеграмма орқали Агентликка чақиртирилган эдингиз.

Комил Менгзиёв, Жанубий Корея, Сянган-Саидо вилояти:

— Мен Жанубий Кореянинг Сянган-Саидо вилояти Понянг шаҳарчасидаги Сунгдонг заводига Агентлик орқали 3 йиллик шартнома асосида ишга кетган эдим. Лекин шартномамнинг бир йили ўтар-ўтмас яқинда Корея томони уни бир томонлама бекор қилди. Шартнома мажбуриятларини бажартириш ва менинг ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун Агентлик қандай чоралар кўриши мумкин?

— Сиз билан Кореянинг иш берувчиси ўртасида имзоланган меҳнат шартномаси шартлари ҳар икки томон учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Агар иш берувчи мазкур шартнома шартларини бир томонлама бузган бўлса, у ҳолда Сиз Корея Меҳнат вазирлигининг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматига ёхуд Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонасига дарҳол мурожаат қилишингиз зарур. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Агентликнинг масъул ходими Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси ҳузурига хизмат сафарига юборилган.

Сардор Юлдошев, Навбаҳор тумани, «Арабсой» қишлоқ фуқаролар йиғини:

— Чет элга жўнатишда таъмагирлик ҳолатлари бўлиши ҳақида эшитганмиз. Бу борада Агентлик томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Шундай ҳол учраса маълум қилиш учун ишонч телефонлари жорий қилинганми?

— Бу жуда ҳам ўринли савол. Ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, айрим фуқаролар ўзларининг ишонувчанлиги, ўта соддалиги ёки бошқа сабаблар туфайли айрим товламачи ва фирибгарларнинг тузоғига илиниб қолмоқдалар. Айрим «тадбиркор» фирмалар эса ўзларининг таъсис ҳужжатлари давлат идораларида рўйхатга олинганлигини рўкач қилиб, мўмай пул эвазига фуқароларимизни хорижий мамлакатларга ноқонуний йўллар билан ишга ёллаб келмоқдалар.

Бу иллатга чек қўйиш мақсадида Агентлигимизда «Ишонч телефонлари» йўлга қўйилган. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён ўтган қисқа муддатда фуқароларимиз томонидан «Ишонч телефонлари» орқали маълум қилинган 30 га яқин фирибгарлик жиноятининг олди олинди.

Фурсатдан фойдаланиб фуқароларимизни яна бир бор огоҳликка чақирамиз!
Агентлигимизнинг қуйидаги «Ишонч телефонлари»га қўнғироқ қилишларини сўраймиз:
8-371-232-27-88 ва 8-371-252-13-61.

✓ Баркамол авлод орзуси

ЕТУК КАДРЛАР МАСКАНИ

2001 йилда ташкил этилган Каттақўрғон иқтисодиёт коллежида бугунги кунда 1020 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 55 нафардан зиёд ўқитувчи касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда. Ўқув даргоҳида информатика ва ахборот технологиялари, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, менежмент, солиқлар ва солиққа тортиш, хўжалик-ҳуқуқий фаолияти ҳамда молия мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.



Коллеж қошида интернет тизимига уланган Ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг фондида 39 мингдан зиёд ўқув адабиётлари, 80 дан ортиқ электрон дарсликлар ва услубий қўлланмалар мавжуд. Шунингдек 3 та компьютер, 4 та лингафон хонаси ўқувчи ёшлар ихтиёрида.

Коллеж ўқувчиларининг жисмоний соғлом бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ҳамда спортнинг ўрни беқиёсдир. Шу мақсадда кенг имкониятларга эга 2 қаватли спорт мажмуаси улар хизматида. Бундан ташқари, билим масканида тиббий пункт ҳамда стоматология хонаси ташкил этилган.

Таълим масканида 250 нафар талабага мўлжалланган 3 қаватли талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, бу ерда уларнинг дам олишлари, дарсларга тайёргарлик кўришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 3 мингдан зиёд дарслик ва бадиий адабиётлар билан таъминланган кутубхона, маънавият хонаси, спорт майдончаси ўқувчилар билан ҳамиша гавжум.

(Ўз мухбиримиз) Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

«МЕНИНГ ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМ»

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Менинг орзу-истакларим» мавзуида иншо ва расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда коллежнинг 575 нафар ўқувчиси ижодий иқтидорларини синаб кўришди. Шундан 450 нафари иншолари билан қатнашган бўлса, 125 нафари чизган расмлари билан иштирок этишди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад, — дейди коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулнора Юсупова, — ўқувчиларимизни ўзлари яшаб турган маҳалла, қишлоқ ва туман тарихи ва бугуни ҳақида фикрлашга ундаш. Биз танлов давомида қайсидир маънода бунга эришдик ҳам.

Жумладан, 1-ўринни эгаллаган Қанот Райимбеков иншосида ўз туйғуларини шундай ифодалаган: **«Тошкент қадимдан илм-фан, маданият ўчоғи, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келган. Тошкентнинг 2200 йиллиги тўйини нишонлаш, шахримизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини оширибгина қолмасдан, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиради».**

Байрамона руҳда ўтган кўрик-танлов совриндорларини тақдирлаш маросимига коллеж ўқувчиларининг тайёрлаган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлари ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

❖ Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ПИЁДА ВА ҲАЙДОВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Хабарингиз бор, республикамизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб беришни сўраб Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, майор Гайраддин АЙТИМБЕТОВга мурожаат этдик:

— «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилишидан асосий мақсад йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилашдан иборат эканлигини биласиз. Тадбир давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан транспорт воситаларининг ҳаракати серқатнов чорраҳаларда, одамлар гавжум жойларда, корхона, ташкилотларга кириш ва чиқиш жойлари, бозорлар, болалар муассасалари атрофида тегишли йўл белгилари, светофор, йўл чизиқларининг мавжудлиги, уларнинг техник созлиги, кўриниш ҳолатлари кабилар текшириб чиқилмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, йўл-патрул хизмати инспекторлари томонидан «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтган даври давомида йўл қоидаларини бузган жами 8 732 ҳайдовчи тўхтатилди. Шундан йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун 3727, маст ҳолатда автотранспорт воситаларини бошқарган 236, темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидасини бузганлиги учун 21 нафар ҳайдовчи, шунингдек, 696 нафар қоида бузувчи пиёдаларга 1951584 сўм миқдорида жарима солинди. Булардан ташқари, автомашина ойналарини ташқаридан кўринмайдиган даражада қорайтириб қўйилган 127 автотранспорт ҳайдовчилари тўхтатилди ва қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилди.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик аянчли оқибатларга олиб келади. Афсуски, буни баъзи ҳайдовчилар унутиб қўймоқдалар. Шу йилнинг 23 март куни Элликқалъа тумани Сарабий фермер хўжаликлари бирлашмасида яшаётган Азимбой Мадраҳимов ўзининг «Москвич-412» маркали давлат белгиси 23 М 8630 бўлган автомашинаси бошқарувини йўқотиб, йўл четидаги коллекторга ағдарилади. Ҳайдовчи воқеа содир бўлган жойда вафот этади.

24 март куни Беруний тумани У.Жуманиёзов номли фермер хўжаликлари бирлашмасида яшовчи Рашид Ёқубов ўзининг «Тико» маркали давлат белгиси 23 В 9009 автомашинасини Беруний тумани «Халқлар дўстлиги» кўчасида бошқариб келаётиб, 6 ёшли Хуршидбек Аминовни уриб кетади. Натижада Хуршидбек тан жароҳати олиб, касалхонага тушади.

Афсуски, бундай ноҳуш мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Шу ўринда ҳаракат хавфсизлиги ойлигини муваффақиятли ўтказишда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари фаол иштирок этаётганлигини алоҳида қайд этиш керак. Зеро, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига барча — пиёдаю ҳайдовчилар ҳам бир хилда риоя этишлари талаб қилинади. Йўл қоидаларига риоя қилсак, аввало ўз соғлигимиз ҳамда мол-мулкимизни асраган бўламиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda

Айни дамда Ер сайёраси орбитасидаги Халқаро космик станция (ХКС)да ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи экспедиция аъзолари фаолият олиб бормоқда.

ТАЖРИБАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, 19-экспедиция экипажи — кема командири, россиялик Геннадий Падалка ва бортмуҳандис, америкалик Майкл Баррат ҳамда само сайёҳи, «Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтснинг сафдоши, миллиардер, асли венгер, лекин Америка фуқароси (17 ёшида Венгрияни тарк этиб, бир оз муддат Копенгагенда яшаган, сўнг 1968 йили Америкага кўчиб борган. 1982 йили Америка фуқаролигини олган) Чарльз Симони 26 март куни «Союз ТМА-14» ракетасида Бойқўнғирдан парвоз этган.

19-экспедиция аъзолари (бир ҳафта олдин «Дискавери» шаттлида орбитага парвоз қилиб, Сандру Магнус билан алмашган япон фуқароси Коити Ваката ҳам улар орасида бор) ХКСда ярим йил фаолият олиб боради. Шу муддат давомида улар Ердан парвоз этган Россиянинг «Прогресс» юк кемасидан 2 марта, Американинг шаттлидан 2 марта ҳамда янги япон юк кемасидан юк қабул қилиб оладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, май ойи охиридан ХКСда 3 киши эмас, балки 6 киши доимий фаолият олиб боришни бошлайди. Бу эса уларнинг илмий тажрибалар билан кўпроқ шуғулланишларига замин яратади.

Ярим йил давомида экипаж 43 та илмий тажриба ўтказади. Бу тажрибалар тиббиёт, астрофизика, геофизика, техника соҳаларига тааллуқли бўлиб, уларнинг натижалари кейинчалик Ердаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда асқотса ажаб эмас.

Экипаж ўз фаолияти давомида икки марта очиқ фазога чиқади ва Россиянинг янги «Орлан-МК» скафандрларини синовдан ўтказади. Фазогирларда ҳозир бундай скафандрдан 2 та. Янги скафандр аввалги «Орлан-М» скафандридан шуниси билан фарқ қиладики, у тўлиқ компьютерлаштирилган.

Самовий сайёҳ Чарльз Симони ҳам ўз навбатида радиацияни ўлчаш тажрибаси билан шуғулланади. У ХКСда 10 кун бўлади ва бир неча ойдан бери орбитада фаолият олиб бораётган 18-экспедиция аъзолари, яъни экипаж командири, америкалик Майкл Финк ва бортмуҳандис, россиялик Юрий Лончаков билан бирга 7 апрелда Ерга қайтиб тушади.

Симони орбитага иккинчи бор парвоз қилиши. 2007 йилда у 25 миллион доллар эвазига биринчи бор парвоз этган бўлса, эндиликда у самовий саёҳат учун 35 миллион доллар сарфлади.

Умуман олганда, тижорат йўли билан, яъни ўз маблағи эвазига коинотга парвоз этганлар сони бугунга келиб 6 нафарга етди. Илк бор 2001 йили америкалик Денис Тито учган бўлса, кейин Жанубий африкалик Марк Шаттлуорт (2002 йилда), АҚШлик Грэгори Олсен (2005 йилда), Аноуш Ансар (2006 йилда) ва Ричард Гэрриот (2008 йилда)лар коинотга парвоз этган.

Шу ўринда ХКС қачон фаолият бошлаганлиги ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.

Аввало шуни айтиш жоизки, 1998 йил 29 январда инсоният тарихидаги энг оламшумул иш — коинотни ўзлаштириш халқаро лойиҳасининг ҳуқуқий асоси яратилган. Ўшанда 15 та давлатнинг юқори мартабали дипломатлари ҳамда коинот билан шуғулланувчи идоралари раҳбарлари Халқаро космик станция тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзолаганди. Аммо унинг юридик расмиятчиликларини ва ХКСнинг техник шароитларини яратиш учун яна уч йил керак бўлди ва 2000 йил октябрда учта модулдан иборат ХКС ўз фаолиятини бошлади. Унинг биринчи экипажи Россиянинг 2 нафар ва 1 нафар Американинг NASA космик агентлиги фазогири бўлган. Ўшандан бери Россия ва АҚШ фазогирларидан ташқари Канада, Европа, Япония, Малайзия, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия ва Жанубий Корея сингари 15 та давлатнинг 150 дан ортиқ фазогири Россия ва АҚШ бўғим («сегмент»)ларидан иборат ХКСда бўлиб, бир қанча илмий тажрибалар ўтказишди.

Россиянинг «Энергия» ракета-фазовий корпорацияси бош конструктор-президенти Виталий Лопотанинг айтишича, ХКСнинг Россия бўғимида шу пайтгача 30 та илмий дастур амалга оширилган.

Шуниси ачинарлики, кейинги пайтларда ХКСнинг илмий иш коэффициенти камайиб кетди. Сабаби: 2003 йил февралда АҚШнинг «Колумбия» фазовий кемаси ҳалокатга учраганидан сўнг шаттллар парвозига моратория эълон қилинган эди. Лекин «челнок»лар парвозига рухсат берилгач, илмий ишланмалар салоҳияти янада ошиши турган гап.

В.Лопота фикрига кўра, ХКСнинг Россия бўғимида тўлақонли тажрибалар 2014 йилдан бошланади. Ўшанда орбитага Россиянинг «НЭН-1» ва «НЭН-2» илмий-энергетик модуллари олиб чиқилади. Шунда Россиянинг ХКСдаги бўғими 9 та модулдан иборат бўлади.

Дарвоқе, ХКС фаолияти юзасидан тузилган дастлабки режаларга кўра, ушбу станцияни 2010 йилдан тўхтатиш белгиланган эди. Аммо халқаро шериклар унинг фаолиятини 2020 йилгача узайтириш ҳақида ўзаро келишиб олдилар.

Келажакда ХКС нафақат илмий лаборатория, балки сайёраларо парвоз қилувчи орбита кемалари йиғиладиган база вазифасини ҳам бажаради. Ҳар қалай мутахассислар шундай фикрда.

Бугунги кунда ХКС дастурида 16 та мамлакат — Россия, АҚШ, Европа космик агентлигига аъзо 11 та давлат ҳамда Канада, Япония ва Бразилия иштирок этмоқда.

Келажакда бу рўйхат янада ортиши мумкин. Негаки, инсониятнинг интилишлари чексиз. Демак, тараққиёт бор экан чексиз галактиканинг чексиз сиру синоатларини ўрганишга қизиқиш ҳам ортиб бораверади.

Манбалар асосида Алимқул СУЛТОН тайёрлади.

✷ Футбол

ҒАЛАБА ҚОЗОНМАДИК, ЛЕКИН...

Кеча 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси тўртинчи босқич саралаш баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Сиднейда Австралия футболчиларига қарши майдонга тушди.

Ўтган турда ҳамюртларимиз Тошкентда Қатар вакилларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Бу аксарият мухлислар қалбида миллий терма жамоамизнинг кейинги учрашувда ҳам ғалаба қозонишига умид уйғотган эди. Аммо Сиднейда мезбонлар футболчиларимизга нисбатан бирмунча тажрибали эканликларини намойиш этишди — 2:0.

Энди вакилларимиз навбатдаги саралаш учрашувини 6 июнь куни Тошкентда Япония миллий терма жамоаси билан ўтказадилар.

Замахшарий ҳикматлари

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

●●●

Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

●●●

Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин ҳар қандай ишни комил ният-у, қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

●●●

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

●●●

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «XAYTEK-SH» МЧЖ фирмаси (ИНН 203973199, ОКОНХ 71150)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
Телефон: 335-70-26.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми, Қашқадарё вилоят кенгаши Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси **Муродулло САИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.